

## АБУ НАСР ФОРОБИЙ - ҚОМУСИЙ АЛЛОМА

Собиржон ИСМОИЛОВ,  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Абу Наср Форобий-Абу Наср Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Узлуг ибн Тархон ал-Форобий нафақат Марказий Осиё ва Шарқнинг, балки бутун инсониятнинг буюк мутафаккири, қомусий олими ва файласуфидир.

Абу Наср Форобий 873 йил Арис сувининг Сирдарёга қўйилиш жойидаги Восинж қишлоғида ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. У кейинчалик Фороб, Шош, Бухоро, Самарқанд, Марв, Бағдод, Дамашқ шаҳарларида яшаган ва ўқиган.

Форобий ўша даврда халифалик ва илм маркази бўлган Боғдод шаҳрига кўчиб боради. Унинг Боғдод шаҳрида яшаган вақти халифалар ал-Мұйтадид (892-902), ал-Муктафий (902-908) ва ал-Муқтадир (908-932)ларнинг ҳукмронлик даврига тўғри келади [1:235]. Форобий 941 илии Дамашқ шаҳрида вафот этган.

Форобий қадимги юон фалсафаси билан чуқур шуғулланиб, Аристотель асарларига жуда кўп шарҳлар ёзди. Бу шарҳлар Арестотель фалсафасидаги тушуниб бўлмайдиган, қийин масалаларни ойдинлаштирган, одамларни қадимги юон фалсафаси билан таништирган. Шунинг учун Шарқда Биринчи муаллим (Муаллими аввал) деб Аристотелни атashган бўлса, Форобийни Иккинчи муаллим (Муаллими соний) деб ном беришган.

Форобий Марказий Осиё ҳалқларининг буюк донишманд файласуфи ва қомусий олимиdir. Форобий том маънода буюк донишманд бўлиб, жуда кўп фан тармоқлари: фалсафа, сиёsat, тарих, ахлоқ, нафосат, мантиқ, мусиқа, риёзиёт, табобат, ҳандаса, астрология, физика, физиология, кимё, поэтика, педагогика, араб тили билан шуғулланган.

Турк олими Аҳмад Оташ Форобий асарлар библиографиясини тузиб, унда Форобийнинг 160 [7:18] асари номини келтирган. Улардан 112 [3:213-219] тасини номлари “Фозил одамлар шаҳри” китобининг иловасида келтирилган.

Шарқшунос олим Исматулла Абдуллаев Форобий меросини қуйидаги тартибда бўлиш мумкинлигини қайд этган [8:19]:

1.Фалсафа ва умуман билишнинг асосий, умумий ва бошланғич масалаларига бағишиланган асарлар.

2.Табиатшунослик илми ва амалий фаолият ва турли қасб-хунар масалаларига оид асарлар.

3.Филология, шеърият, хусниҳат, нотиқлик санъати ва мусиқага оид асарлар. Бунга “Калом фиш-шеър вал-қавафий” (Шеър ва қофия ҳақида сўз), “Ритмлар классификацияси” (Китоб фи ихсоил ибқоъ) асарлари киради.

4.Ахлоқ-одоб, ижтимоий ҳаёт ва давлатни бошқариш каби масалаларга бағишиланган рисола ва китоблар: Бунга: 1) “Китоб сиёsat ал-мадина” (Шаҳарни бошқариш китоби). 2) “Китоб мабодиу ором аҳли мадинат ал-фазила” (Фозил шаҳар аҳолисининг бошланғич қарашлари ҳақида китоб). 3) “Китоб маойиш вал ҳуруб” (Ҳаёт ва уруш ҳақида китоб). 4) “Рисола фи танбех ало асҳоби-с-саода” (Бахт-саодатга эришиш йўллари ҳақида рисола). 5) “Китоб фи ижтимоат-ил-мадина” (Шаҳар жамоалари ҳақида китоб) кабилар киради.

Форобийнинг “Уюн ал-масал” (Масалалар чашмаси) ва “Рисола фи фусус ал-ҳикам” (Ҳикмат гавҳарлари ҳақида рисола) каби асарлари Форобий дунёқарашининг дурдоналари ҳисобланади [8:19].

Форобий ўзининг сермаҳсул илмий ижодида ўз давридаги маълум фанларнинг деярли барчасига оид асарлар яратиб, уларда фундаментал тадқиқотлар ва натижаларга эришди, фалсафанинг барча соҳалари билан шуғулланди. Форобий дунёқарашининг яқунловчи қисми, сўнгги мақсади - инсон жамоаси, инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг кутган орзу-умидлари, исоний муносабатлар, умуминсоний қадриятларнинг

устуворлигига эришилган фукаролар жамиятини куриш масалалари деб кўрсатади форобийшунос олим М.Хайруллаев [6:246].

Форобий фан тарихида қуйидаги тарихий вазифаларни бажарган буюк мутафаккирдир.

1.Форобий Марказий Осиё фалсафий фанларининг отаси ва асосчисидир. Агар дунё фалсафасининг отаси Арасту, Араб фалсафасининг отаси Ал-Киндий бўлса, Марказий Осиёда бу вазифани Форобий бажарган.

2.Форобий нафақат туркий халқларнинг билимдон мутафаккири, балки у дунё илм ахли тан олган мутафаккирлардан биридир.

Араб мутафаккирлари Форобий ҳақида куйидагиларни ёзib қолдирган:

Захириддин ал-Байҳақий: “Шайх Абу Наср ал-Форобийнинг оти Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Тархон бўлиб, асли Туркистоннинг Фороб деган жойидан. “Иккинчи муаллим” деб таҳаллус олган. Ислом ўлкалари олимлари орасида ундан олдин бунчалик ўткир одам бўлмаган эди”.

Ибн ал-Қифтий: “Абу Наср ал-Форобий Мовароуннаҳрдаги турк шаҳарларидан бири бўлмиш Форобдан чиққан файласуф. Бу киши мусулмонлардан етишиб, тан олинган ҳаким саналади, Ироққа боради ва Бағдод шаҳрида туриб қолади. Абу Наср бу шаҳарда Юзҳанно ибн Хийлондан ҳикмат илмларини ўрганади. Файласуф Юзҳанно ибн Хийлон халифа ал-Муктадир замонида Мадинат ас-Салом бўлмиш Бағдодда вафот этган. У ерда Абу Наср бу кишидан фойдаланди ва ўша даврда тенги йўқ одам бўлиб етишди” [3:192].

Ибн Ҳалликон: “Абу Наср Форобий мантиқ, мусиқа ва бу иккала фандан ташқари яна бир қанча соҳаларга оид асарлар муаллифи ҳамда у мусулмонларнинг энг йирик файласуфларидан саналади” [3:200-201].

“Ал-Форобий мусулмонлардан чиққан чин файласуф эди” [3:202].

Ибн Аби Усайбиа: “Абу Наср бир қанча вакт Бағдодда бўлади, кейин Шомга кўчади ва то вафот этгунга қадар ўша ерда туриб қолади. Раҳматлик етук файласуфлардан, фозил донишмандлардан эди, ҳикматга оид фанларни мукаммал биларди. У риёзий (математика) илмларга моҳир, покиза, йирик аллома, мол-дунё билан иши йўқ, хоксор одам эди; у ўлмас овқатга чида бурадиган серқаноат киши эди, унинг феъл-атвори худди қадимги файласуфлар одобига ўхшарди” [3:205].

3.Форобий то X асргача бўлган туркий мутафаккирлар орасида энг кўп, 160 та турли фан соҳаларига оид асарлар ёзган. Улардан энг машҳурлари қуйидагилардир:

“Фозил одамлар шаҳри”,

“Баҳт-саодатга эришув ҳақида рисола”,

“Илмлар тавсифи”,

“Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз”,

“Фалсафага изоҳлар”,

“Мусиқа ҳақида катта китоб”,

“Инсон аъзолари ҳақида рисола”,

“Риторика ҳақида китоб”,

“Шеър ва қоғиялар ҳақида сўз”,

“Фазилатли хулқлар” ва бошқалар.

4.Форобий Марказий Осиё тарихида биринчи бўлиб, ислом таълимоти асосида “Комил инсон” концепциясини ишлаб чиқди. У ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида “Ўзида ўн икки туғма хислатни бирлаштирган кишигини ахлоқли одам бўла олади: [7:73-74] - деб кўрсатиб ўтади. Бу фазилатлар бугунги кун баркамол авлод камолотида мухим манба бўлиб хизмат қиласи.

<b>№</b>	<b>Абу Наср Форобий “Фозил инсон” фазилатлари ҳақида</b>	<b>“Фозил инсон” фазилатларининг бугунги кун талқини</b>
1	(биринчидан), бундай одамнинг барча органлари шу даражада мукаммал тараққий этган бўлиши зарурки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган барча ишларини осонлик билан амалга ошира олсин;	соғлом
2	(иккинчидан), барча масалани, муҳокама ва мулоҳазани тездан ва тўғри тушуна оладиган, унинг маъносини англай оладиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;	фаросатли
3	(учинчидан), хотираси жуда бақувват бўлсин, кўрган-эшитган, сезган нарсаларининг бирортасини ҳам эсидан чиқармай, ёдида сақлаб қоладиган бўлсин;	хотираси кучли
4	(тўртинчидан), зеҳни шу даражада тез ва ўткир бўлсинки, бирор нарсанинг аломатини сезиши билан, бу аломат нимани билдиришлигини тездан билиб олсин;	ўткир зеҳнли
5	(бешинчидан), сўzlари аниқ бўлсин, фикрини ва айтмоқчи бўлган мулоҳазаларини равон ва равшан баён эта олсин;	сўзга чечан
6	(олтинчидан), билиш ва ўқишга муҳаббати бўлсин, ўрганмоқчи бўлган билимини чарчашни сезмасдан осонлик билан ўзлаштира олсин;	билимли
7	(еттингчидан), овқатланишда, ичимлик истеъмол этишда очқўз - бўлмасин, табиати қимор ўйинларини ўйнашдан узоқ бўлсин ва улар келтирадиган хурсандчиликдан жирканадиган бўлсин;	кўзи тўк
8	(сақкизинчидан), ҳақиқатни ва ҳақиқат тарафдорларини севадиган бўлсин, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қарайдиган бўлсин;	ҳақиқатгўй
9	(тўққизинчидан), руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин, унинг руҳи ўз табиати билан паст ишлардан юкори ва олижаноб ишларга интиладиган бўлсин;	ғурурли
10	(ўнинчидан), дирҳам, динор ва шу каби турмуш буюмларига жирканиш билан қарасин;	иродали
11	(ўн биринчидан), ўз табиати билан адолатни севадиган ва адолат учун курашувчиларга, адолатсизликка, жабрзулм ўtkazuvchilarга нафрат билан қарайдиган бўлсин, ўз одамлари ва бошқаларга адолатли бўлсин, -гўзал ва яхши ҳисобланган нарсаларини; барчага тақдим этган холда, одамларни адолатга тарғиб этадиган, адолатсизлик натижаларини йўқотадиган, уларга йул қўймайдиган бўлсин;	адолатпарвар
12	(ўн иккинчидан), адолатли бўлсин, аммо қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин, лекин хар қандай; адолатсизлик, пасткашлик олдида қатъий сўзлик бўлсин, ўзи зарур деб билган нарласини амалга оширишда қатъийлик кўрсатсин, қўрқмас, жасур бўлсин, қўрқиши ва ожизликни билмасин.	мард

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёзганидек: “Мавароуннахрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттириди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз инъикосини топган идеали-Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас” [5:144].

5.Форобий серқирра, том маънодаги буюк мутафаккирки, у фалсафа, фалакиёт, тиббиёт, ахлоқ, мусиқа, сиёсат, риёзиёт, риторика, шеър санъати тўғрисида асарлар ёзди. У яратган мусиқа ҳақидаги китоблар ва “Қонун” мусиқий асбоби эса аккард мусиқаси тарихидаги муҳим воситалардан бири бўлиб келмоқда.

6.Манбаларда қайд этилишича, Форобий Марказий Осиёдаги биринчи рақамли тилшунос олимдир. У 70 га яқин тилни билган ва луғатлар тузган. Асосий асарларини ўзи турк бўла туриб, араб тилида яратган.

Ибн Халликон ёзади: “Абу Наср Бағдодда араб тилини ўрганишга киришиб, уни жуда мукаммал билиб олади. Кейин бу тил орқали у ҳикмат-фалсафий илмларни ўрганишга тушади” [3:201].

7.Форобий Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб илмлар таснифи билан машғул бўлган. У 30 дан ортиқ фанлар таърифи, таснифи ва аҳамиятини кўрсатиб берган.

Форобий ўзининг “Иҳсо ал-улум” асарида илмларнинг қўйидаги структурасини келтиради [3:7]:

1.Тил ҳақидаги илм. У етти бўлимдан иборат бўлиб, грамматика, поэтика, турли ёзув ва бошқаларни ўз ичига олади.

2.Мантиқ. Саккиз бўлимдан, жумладан тушунча, муҳокама, хулоса ҳамда муҳокама методига тааллуқли силлогистика, диалектика, софистика ва бошқалардан иборат беш бўлимни ўз ичига олади.

3.Математика, етти мустақил илм: арифметика, геометрия, оптика, сайёralар, музика, оғирлиқ, механика ҳақидаги илмлардан иборат.

4.Илм ат-табиий ва илм ал-илоҳий - табиий ва илоҳий илмлар ёки метафизика.

5.Сиёсат илми (илм ал-маданий - шаҳар ҳақидаги илм, шаҳарни бошқариш илми), юриспруденция (фижҳ) ва мусулмон теологияси (калом).

8.Форобий Шарқда биринчилардан бўлиб инсоннинг баҳт-саодатга эришиш йўлини назарий ишлаб чиқди ва бу йўлни “Буюк кишилар нақлларидан” рисоласида: “... илмни дарс ва ўқиш орқали, ҳунарни ўрганиш ва қунт орқали қўлга киритиш мумкин бўлганидек, баҳт-саодат ҳам юксак мақсад бўлиб уни факат фазилатли меҳнат орқалигина қўлга киритиш мумкин” [2:121] - деб таърифлайди. Бошқа бир “Жисмлар ва акциденцияларнинг ибтидоси ҳақида”ги асарида: “Инсонлик моҳияти ҳақиқий баҳт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий гояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у баҳт-саодатга эришади...

Инсоний вужуддан мақсад - энг олий баҳт-саодатга эришувдир; аввало у баҳт-саодатнинг нима ва нималардан иборат эканлигини билиши, унга эришувни ўзига гоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Сўнгра бу баҳт-саодатга олиб борадиган иш - амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса баҳт-саодатга эриштирадиган ишларни шахсан бажаришга киришмоғи лозим бўлади” [2:138], деб ёзса, бошқа ўринда: “Баҳт-саодатга эришув йўлида нимаики (ахлоқ, касб-ҳунар кабилар) ёрдам берса, уни сакламоқ ва мустаҳкамлаш, нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришга ҳаракат қилиш зарур” [2:139], деб ёзади.

Хулоса қилиб айтганда, буюк мутафаккир ва улуғ донишманд Абу Наср Форобий бир қатор фан соҳаларда илмий ишлар яратди ва алоҳида эътибор билан жамиятни ўрганди. У инсон ва инсоният баҳтли яшashi учун юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлишлигини бу жараёнда миллий ва умуминсоний қадриятларга амал қилиш лозимлигини илмий асослаб берди. Айниқса, унинг “Фозил инсон”нинг 12 сифат-мезонларини ишлаб чиқканлиги, барча жамият ва давлатлар учун комил инсонни камол

топтириш андозаси, бугунгу кун баркамол авлодларини камол топтиришнинг мезонига айланди.

И.Каримов таъкидлаганидек, “Х асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, “Шарқ Аристотели” деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий қашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантириди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машхурлари “Моҳият хусусида сўз”, “Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб”, “Тафаккур моҳияти” ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган ва хозирги кунга қадар чукур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда” [4:1-2].

Буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий ҳаёти ва меросига мурожаат этиш, файласуфлар, сиёсатчилар ва барча зиёлилар олдига кўйилаётган ҳуқуқий-демократик, фуқоролик жамиятини барпо этиш ва миллий мағкуруни яратиш вазифаларини бажаришда муҳим восита, омил бўлиб хизмат қиласди.

#### **Адабиётлар:**

1. Абдуҳалимов Б. “Байт ал-ҳикма” ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда аниқ ва табиий фанлар). -Т.: O’zbekiston, 2010.
2. Абу Наср Форобий. Рисолалар. -Т.: Фан, 1975.
3. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т.: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1993.
4. Каримов И.А. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси-абадиятга даҳлдор маънавий ҳазинадир. “Халқ сўзи” газетаси. 2014 йил 16 май № 95 сон.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. -Т.: Ўзбекистон, 1971.
7. Хайруллаев М. Форобий: (Ҳаёти ва илмий мероси). -Т.: Ўзбекистон, 1991.
8. Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ Марказий Осиёда Ислом маданияти. Қисқача маълумотнома. -Т.: Шарқ, 2005.